

**Самарқанд давлат университетида 2021 йилда ўтказилиши  
режалаштирилаётган илмий ва илмий-техник анжуман  
АСОСНОМАСИ**

**1. Анжуманинг мавзуси:** Туркий халқлар олий таълими ва фани тарихи масалалари.

**2. Анжуман мақоми:** Халқаро илмий анжуман.

**3. Илмий ва илмий техник анжуманини ўтказиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ёки бошқа манбалар.** Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори ҳамда “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилиш ҳақидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида ўтказилади. Анжуман доирасида таълим ва илм-фан тарихини ўрганишнинг замонавий ҳолати, эришилган назарий ва амалий ютуқлар муҳокама этилади.

**4. Анжуманинг илмий йўналиши, мақсад ва вазифалари:** анжуманда муҳокама этиладиган маъruzalarning илмий йўналишлари асосан туркий тилли мамлакатларнинг ўтмишда ва ҳозирги қундаги таълим тизимининг ҳолати, ютуқлари, шунингдек, Туркистон, Усмонли давлати, Волгабўйи, Кавказдаги туркий халқларнинг мактаб ва мадрасалари тизими ва уларнинг ўтмишда ўзаро таъсир ва алоқада ривожланганлиги, бугунги қундаги Туркий Кенгаш аъзолари бўлган мамлакатлар (Ўзбекистон, Туркия, Озарбойжон, Қозогистон, Қирғизистон, Венгрия (кузатувчи) орасидаги таълим ва илм-фаннынг турли соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари)идир. Бунда темурийлар даврида Самарқанд, Ҳирот, Бухородаги мадрасалар ва Улуғбек мадрасаларининг мусулмон Шарқи ва туркий халқлардаги таълим тизимига таъсири масалалари эътиборга олинади.

**Мақсади ва вазифалари:** анжуманинг асосий мақсади маориф, таълим ва олий таълим тарихи, илм-фан тарихи, таълим ва илмий тадқиқотларда халқаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш ва олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга ва олий таълимга жорий этиш масалаларини муҳокама этиш.

Анжуманинг вазифалари қўйидаги соҳалардаги натижаларни муҳокама этиш:

- Исломий цивилизациянинг тараққиётида мадрасалар, дорилфунунлар ва “Байтул ҳикма”ларнинг ўрни;
- Шарқ ва Ғарбда илм ва олимлик фалсафаси;
- Ўрта асрларда Марказий Осиё ва Усмонийлар салтанатидаги мадрасалар, вақфлар ва илмий оқимлар: уларнинг гуллаб-яшнаши ва таназзули сабаблари;
- Самарқанддаги мадрасайи олияларнинг дунё ва ислом цивилизациясининг тараққиётидаги роли;
- Табиий ва аниқ фанлар бўйича илмий тадқиқотларда ва бу фанларнинг таълимида Улуғбек мадрасасининг намунаси;
- Астрономия, математика ва тарихшуносликда Мирзо Улуғбек феномени;

- Самарқанддаги мадрасай олияларнинг Усмонийлар салтанати, Қрим, Волгабўйи, Шарқий Туркистон ва Хурсоңдаги мадрасалар билан илмий алоқалари ва ҳамкорлиги;
- 19-20 асрларда Туркистон ва Усмонли салтанатига замонавий илмий билимларнинг кириб келиши ҳамда Ғарб фан ва техникаси трансформациясининг турли шакллари;
- 21-асрда “Туркий Кенгаш” аъзолари давлатлари ўртасида илм-фан, техника, таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари.

### **5. Муҳокама қилинадиган муаммолар:**

- Таълим тарихининг кам ўрганилган масалалари;
- Мадрасалар ва мадрасаи олияларнинг тарихи;
- Ўрта асрларда туркий дунёдаги таълим соҳасидаги ўзаро таъсир масалалари;
- Янги, европача фаннинг туркий халқлар таълими ва фанида ёйилишининг амалий масалалари;
- Ҳозирги пайтда туркий мамлакатлар орасида фан, таълим ва маданият соҳаларида интеграциялашув масалалари.

**6. Ўтказиладиган анжуманинг Давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари билан боғлиқлиги.** Анжуман мавзуси доирасида СамДУнинг филология, тарих, рус филологияси факультетларида давлат илмий-техник дастури доирасидаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, қуйидаги илмий лойиҳалар бажарилмоқда:

ОТ-Ф1-138 – «Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи» (илмий раҳбар ф.ф.д., проф. М.Муҳиддинов).

«АИФ 1/123 “Ўзбекистон ОТМларида ўқитувчи фаолиятини баҳолаш» (координатор ф. ф.д., проф. Ж.Элтазаров).

**7. Анжуман натижаларидан кутилаётган илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик.** Анжуман натижалари анжуман мавзуси бўйича келгусидаги илмий тадқиқотлар йўналишларини аниқлаштириш, инновацион ишлар истиқболларини белгилаш ҳамда филология, тарих йўналишлари бўйича олий таълим талабалари учун дарслкларнинг янги авлодини яратишда фойдаланилади.

**8. Илмий анжуманда ёш олимлар, мутахассислар, докторантлар ва магистрларнинг иштирок этиши.** Анжуманда республикамизнинг етакчи филологлар, тарихчилар, педагоглар ва шу соҳанинг бошқа мутахассислари, профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва магистрантлари ҳамда чет эллик мутахассисларнинг иштироқи кўзда тутилган.

**9. Хорижий ҳамкорлар билан келишилганлик тўғрисида розилик хатлари.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Истанбул университети билан ҳамкорлик ўрнатилади.

**10. Анжумани ўтказишида респубикада мавжуд соҳа ташкилотларнинг иштироқи.** Анжумани ўтказишида Самарқанд Давлат университети, Истамбул университети (Туркия), Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тил, адабиёт ва фольклор институти ва республиканинг бошқа ОЎЮ ва илмий тадқиқот институтларидан мутахассислари иштирок этишади.

**Илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректор**

**Х.Хушвақтов**